

## Минбарда туриб, Қуръон қироат қилиш мумкинлиги | Ҳадис дарслари (362-дарс)



19:00 / 14 январь 641

سَيَّبَنَّ لِأَتَيْتِ أَرْقَوْ دَوْجُ سَلَامِ أَزَعُ نَمَسَيْ لَ رَبِّ ثَلَاقُ هُنَّ عُلَلِ يَضْرِبُ سَابِعَ نَبَانَعِ  
دُوَادُ وَبَأُوِي ذِمَّرْتَلَاوُ يَرَاخُ بَلْ أَوْرَ. أَاهِي فُذُجُ سَي مَلَسَوُ هِي لَعُ هَلَلَا يَلَصُ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Сод**» азийматли (таъкидланган) **сажда**лардан эмас. **Лекин мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унда сажда қилганларини кўрдим**».

*Бухорий, Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ривоятда Сод сурасидаги «Бас, рукуъ қилган ҳолида йиқилди ва тавба қилди» деган маънодаги оят ҳақида сўз бормоқда. Бу ояти каримада



Айнан ушбу жумлага урғу бериб, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари «Бу оятда сажда йўқ», деганлар.

Лекин Ҳанафий ва Моликий мазҳаблари «Сажда бор. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганлар», дейишган.

Имом Термизий баъзи саҳобий ва тобеъинларнинг ушбу оятда сажда қилганлари кўрилганини ривоят қилган.

Бошқа бир ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Довуд тавба учун сажда қилган эди, биз шукр учун сажда қилдик», деганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Минбарда туриб, Қуръон қироат қилиш мумкинлиги.
2. Минбарда туриб, қироат қилаётган одам сажда ояти келгач, тушиб, сажда қилиши кераклиги.
3. Минбарда туриб, қироат қилаётган одамнинг сажда оятини қироат қилганини эшитганлар ҳам тиловат саждаси қилишлари лозимлиги.
4. Имом ва раҳбар одам кишиларнинг яхши маънодаги ишга шайланиб қолганларини кўрганда уларга ўзи бош бўлиши.
5. Сод сурасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиловат саждаси қилганликлари.

عَلَّمَكُمْ بِمَنْ جَنَّ لِلْمَلَسِ وَهِيَ لَعْلَلِ الْيَصْبِ لِلْأَرْقِ لِقَاقُ نَعْنَعُ لَلِضَرِّ لَلِذَّبَعِ نَعْلَلِ إِهْغَفَرَفِ بَارْتِ وَأَيَّصَحْ نَمَافَكَ دَحْخُيْ شَرْيَعُ عَمْ نَمَدَجَسْ وَأَهِي فَدَجَسَفِ  
عَسْمُخْلَلِ هَاوَرِ. أَرْفَاكَ لَلْتُقْ كَلَدَدَعْبُ هُتِيْ أَرْفِ، آدَهْ يَنْيْفُكَيِ: لِقَاقُ وَهَتْ هَبَحْ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада Нажм (сураси)ни қироат қилиб, сажда қилдилар. У зот билан бўлганлар ҳам сажда қилдилар. Фақат бир чол кафтига майда тош ёки тупроқ олиб, пешонасига кўтарди ва: «Менга шу ҳам кифоя қилади», деди. Шундан кейин унинг кофир ҳолида қатл бўлганини кўрдим».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу – Ислоннинг дастлабки вақтида, Қуръони карим янги нозил бўлаётган пайтда содир бўлган машҳур ҳодиса. Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом Маккада мушриклар ва мусулмонлар тўпланиб турган жойда «Ван-нажм» сурасини қироат қилиб, сажда оятига келиб, сажда қилганларида ҳамма у кишига қўшилиб, сажда қилган. Мушриклар ҳам Қуръон таъсиридан қандай қилиб сажда қилиб юборганларини сезмай қолганлар. Фақат Валид ибн Муғийра деган чол кафтига тупроқ олиб туриб, ўшанга пешонасини теккизиб, сажда қилган. Бу хабар ҳамма томонга тарқалган. Ҳатто мушрикларнинг зулмидан қочиб, Ҳабашистонга ҳижрат қилиб кетган Усмон ибн Мазъун бошлиқ муҳожир мусулмонларга ҳам етиб борган. Улар «Аҳли Макка мусулмон бўлибди, уларнинг катталаридан бўлган Валид ибн Муғийра ҳам сажда қилибди», деб эшитишган ва тезда Маккага қайтиб келишган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. «Ван-нажм» сурасида сажда ояти борлиги.
2. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша «Ван-нажм» сурасидаги сажда оятига келганда сажда қилганлар.
3. «Ван-нажм» сурасидаги сажда оятини Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиганларида мушриклар ҳам сажда қилганликлари.
4. Сажда оятида сажда қилмаслик ёмонлигини Валид ибн Муғийранинг кофир ҳолида ўлиб кетганидан биламиз. Чунки ҳамма сажда қилганда у кафтига тупроқ олиб, пешонасига теккизиш билан кифояланган эди.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.